

**О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI**



**ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

« 18 » ИЮНЬ 2019 у.

№ 512

Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикасида замонавий уруғчилик кластерларини
ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлик материалларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва тайёрлашга самарали усулларни жорий этиш, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кейинчалик халқаро бозорларга тарқатиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” 2019 йил 17 январдаги ПФ–5635-сон Фармони ҳамда “Иссиқхона комплексларини ривожлантириш учун кўшимча шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 20 ноябрдаги ПҚ–4020-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти, “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси ва тегишли вилоятлар ҳокимликларининг 2019 йилнинг учинчи чорагидан бошлаб Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятларида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари ишлаб чиқаришнинг кластер шаклини босқичма-босқич жорий этиш бўйича таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларини ишлаб чиқариш бўйича уруғчилик кластерлари (кейинги ўринларда уруғчилик кластерлари деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда Марказ деб аталади) ҳамда тўғридан-тўғри, шунингдек, хорижий инвестицияларни киритиш орқали уруғчилик кластери ривожланишини таъминловчи инвесторнинг биргаликдаги иштирокида ташқил этилади;

уруғчилик кластерлари Марказ иштирокисиз ташкил этилганда, инвестор ва Марказ ўртасида қишлоқ хўжалиги экинларининг бирламчи уруғчилигини ташкил этиш ва ривожлантириш, уруғликларни тайёрлаш ва фойдаланиш, уруғчилик соҳасида илмий ва тажриба-синов тадқиқотларини ўтказишни тартибга солиш бўйича келишувлар тузилади;

инвесторни танлаш Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан ўтказиладиган танлов асосида амалга оширилади. Танлов якунларига кўра, уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун ер майдонларини ажратиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари томонидан қонунийликда белгиланган тартибда амалга оширилади;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ташаббуси билан давлат-хусусий шериклик (кейинги ўринларда ДХШ деб аталади) асосида уруғчилик кластерлари ташкил этилиши мумкин.

3. Уруғчилик кластерлари қуйидаги шартларда тузилиши маълумот учун қабул қилинсин:

а) инвестор:

пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш, уруғлик материаллари тайёрлаш, тупроқ ва иссиқхона комплексида қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари етиштириш бўйича ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек, бошқа мол-мулк ва активларини уруғчилик кластери устав жамғармасига ўтказилади;

пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш, уруғлик материаллари тайёрлаш бўйича ўзининг ишлаб чиқариш қувватларини яратилади;

б) Марказ:

пахта чигити ва бошоқли дон уруғликлари тайёрлаш цехларини, шунингдек, бошқа мол-мулк ва активларини уруғчилик кластери устав жамғармасига ўтказилади.

в) қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштирувчи уруғчилик кластерлари фаолиятини ташкил этиш 1-иловага мувофиқ схемада амалга оширилади.

4. Белгилаб қўйилсинки:

уруғчилик кластерларига ўтказиладиган пахта тозалаш корхоналарининг бино ва иншоотлари жамиятлар бошқарув органи қарори асосида белгилаб берилган тартибда 5 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотилади;

пахта тозалаш ва донни қайта ишлаш корхоналарининг мол-мулк шаклидаги уруғлик тайёрлаш цехлари, шунингдек, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг уруғлик тайёрлашга ихтисослашган масъулияти чекланган жамиятларидаги улуши жамиятлар бошқарув органи қарори асосида Марказга ўрнатилган тартибда 10 йил муддатга бўлиб тўлаш шарти билан сотилади;

Марказнинг уруғлик тайёрлаш цехларини сотиб олиш маблағлари манбаси этиб, уруғчилик кластерлари томонидан сотиладиган пахта толасининг улгуржи нархи билан сотиш нархи орасидаги ижобий фарқдаги маблағлар, шунингдек, Марказнинг даромадлари ҳисобланади.

5. Уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун танловларни ўтказиш тартиби тўғрисида низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё ва Фарғона вилоятлари ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ва Марказ билан биргаликда:

а) икки ой муддатда инвесторлар ўртасида танлов ўтказилишни ташкил этсин;

б) 2019 йил 1 сентябрга қадар бошоқли дон уруғликлари, шунингдек, 2020 йил 1 февралга қадар пахта, сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар уруғликлари етиштирадиган фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотлари рўйхатини шакллантирсин ва улар билан уруғчилик кластерлари ўртасида 2020 йилда уруғликлар етиштириш юзасидан контрактация шартномалари тузилишини таъминласин;

7. Белгилаб кўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 февралдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Топширилган пахта хомашёси ва бошоқли дон етиштириш бўйича харажатларга кредит ажратиш ва якуний ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида низомга мувофиқ Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобидан уруғчилик кластерларига кредит ажратилади;

Жамғарма ўрнатилган тартибда уруғчилик кластерларига 2020 йил ҳосилидан уруғлик пахта хомашёси ва бошоқли дон уруғликлари етиштиришни ташкил этиш учун етарли миқдорда кредит ажратилишини таъминлайди;

уруғчилик кластерларига Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 25 январдаги 53-сон қарори 2 ва 13-бандлари, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари фаолиятини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 31 мартдаги 253-сон қарори 2-бандида назарда тутилган имтиёз ва шартлар тадбиқ этилади;

бошоқли дон уруғликлари тайёрлаш цехларининг кўшимча маҳсулотлари биржа савдолари орқали омухта ем ишлаб чиқарувчи ташкилотларга реализация қилинади.

8. Уруғчилик кластерларининг асосий молиялаштириш манбалари этиб қуйидагилар белгилансин:

уруғлик материални тайёрлашдан, уни реализация қилишдан, шунингдек, экспортга сотишдан олинган даромадлар;

халқаро молиявий ва бошқа институтлар, хорижий ташкилотлар грантлари доирасида келиб тушган маблағлар;

ўз маблағлари ва қонунчилик билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

9. “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва “Ўздонмаҳсулот” акциядорлик компанияси Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

уруғчилик кластерлари таркибига ўтказилаётган пахта тозалаш корхоналари, пахта ва бошоқли дон уруғликлари тайёрлаш цехларининг бино ва иншоотларини хатловдан ўтказилишини ва баҳолашни;

Марказ ва уруғчилик кластерлари билан пахта тозалаш корхоналари, пахта ва бошоқли дон уруғликлари тайёрлаш цехлари бино ва иншоотлари бўйича олди-сотди шартномалари тузилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти билан биргаликда уч ой муддатда сотиб олиш тўловлари графикларини инобатга олган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига ўрнатилган тартибда тўловларни 12 ойгача узайтириш бўйича асосланган таклифлар киритиш билан бирга пахта тозалаш корхоналари бино ва иншоотлари бўйича олди-сотди шартномалари тузилгандан сўнг уруғчилик кластерларига реализация қилинаётган пахта тозалаш корхоналарининг солиқдан қарздорлигини хатловдан ўтказсин.

11. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ уруғчилик кластерлари:

ўз ишлаб чиқариш қувватлари яратилгунга қадар уруғлик пахта хомашёсини қайта ишлашни “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг пахта тозалаш корхоналари ва пахта-тўқимачилик кластерларида тўғридан-тўғри шартномалар асосида амалга оширади;

қишлоқ хўжалиги техникалари учун уларнинг сонидан келиб чиққан ҳолда табиий газ ишлаб чиқариш ва тақсимотининг моддий баланслари доирасида автомобилларга газ тўлдириш компрессор станцияларига ажратилган сиқилган табиий газдан харид қилади;

ўзлари ишлаб чиқарадиган уруғлик сифатига, шунингдек, уларни тайёрлаш технологиясини доимий равишда такомиллаштириб бориш бўйича зарур тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширилишига жавобгар ҳисобланади.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳар йилги моддий балансларни шакллантиришда алоҳида қаторда уруғчилик кластерлари томонидан ишлаб чиқариладиган пахта толасини ҳисобга олинишини назарда тутсин.

13. Уруғчилик кластерларига “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятининг пахта тозалаш корхоналари ўтказилаётган туманларида “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамияти ва “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси билан келишган ҳолда техник пахта хомашёсини қайта ишлашга ва контракцияни амалга оширишга рухсат берилсин. Бундай ҳолларда, уруғчилик кластерлари уруғлик ва техник пахта хомашёсини алоҳида жамғарилишини таъминлайди.

14. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси ва Марказ билан биргаликда:

уруғчилик кластерлари томонидан белгиланган ҳажмларда юқори сифатли уруғлик материаллари ишлаб чиқарилишини;

замонавий рақамли ва ахборот-коммуникация технологияларини, шунингдек, видеоускуналар, электрон тарозилар, автоматлаштирилган назорат ва ҳисобга олишнинг мос келувчи тизимларини кенг жорий қилиниши бўйича тизимли назорат ўрнатилишни таъминласин.

15. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Андижон, Жиззах, Навоий, Сирдарё, Тошкент ва Хоразм вилоятлари ҳокимликлари қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликларни ишлаб чиқаришнинг кластер шаклини жорий этиш учун тўғридан-тўғри хусусий ва хорижий инвестицияларни киритишга ҳоҳиши бўлган инвесторларни фаол жалб қилиш бўйича зарур ташкилий-амалий чораларни кўрсин.

16. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари - молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси А.Д. Вахабов ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 18 июндаги 512-сон қарорига
1-илова

**Қишлоқ хўжалиги экинларининг уруғликларини етиштирувчи уруғчилик
кластерлари фаолиятини ташкил этиш
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Кўриб чиқиш мuddати
1-босқич	“Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АК Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда	Ташкил этилаётган уруғчилик кластерлари таркибига ўтказилаётган пахта тозалаш корхоналари, пахта ва бошоқли дон уруғликлари тайёрлаш цеҳлари бино ва иншоотлари рўйхатини шакллантириш.	Ҳар йили 20 мартга қадар
2-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Танлов асосида вилоятлар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда уруғчилик кластерини ташкил этиш бўйича инвесторларни аниқлаш.	Ҳар йили 1 апрелга қадар
3-босқич	Уруғчиликни ривожлантириш маркази, инвестор	Уруғчилик кластерини ташкил этиш.	Ҳар йили 10 апрелга қадар
4-босқич	“Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АК Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан ҳамкорликда	Уруғчилик кластерларига ўтказилаётган пахта тозалаш ҳамда дон корхоналарининг уруғлик чигит ва уруғлик дон тайёрлаш цеҳлари ҳамда мол-мулкларини хатловдан ўтказиш ва баҳолаш.	Ҳар йили 10 июлга қадар
5-босқич	Уруғчиликни ривожлантириш маркази, инвестор билан биргаликда	“Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмахсулот” АК билан уруғлик чигит ва уруғлик дон тайёрлаш цеҳларини сотиб олиш бўйича олди-сотди шартномалар тузиш.	Ҳар йили 20 июлга қадар
6-босқич	Уруғчиликни ривожлантириш маркази	Уруғчилик кластерларига уруғлик чигит ва уруғлик дон тайёрлаш цеҳларини, шунингдек, уларнинг бошқа мол-мулкларни ўтказиш.	Олди-сотди шартнома тузилгандан сўнг, бир ой мuddатда
7-босқич	Инвестор	Пахта хомашёсини дастлабки қайта ишлаш, уруғлик тайёрлаш, тупрок ва иссиқхонада қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари етиштириш комплекслари ва ишлаб чиқариш қувватларини уруғчилик кластерларига ўтказиш.	Ҳар йили 15 июлга қадар

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Кўриб чиқиш муддати
8-босқич	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ерлари эгалари кенгаши, Марказ	Қишлоқ хўжалиги экинлари уруғликлари етиштирувчи фермер хўжаликлари ва бошқа тадбиркорлик субъектлари рўйхатини аниқлаш ҳамда: уруғлик пахта хомашёси етиштирувчи субъектлар ва уруғчилик кластерлари ўртасида уруғлик пахта хомашёси етиштириш; сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар уруғликларини етиштирувчи субъектлар ва уруғчилик кластерлари ўртасида сабзавот, полиз, озуқа ва мойли экинлар уруғликларини етиштириш; бошоқли дон экинлари уруғликлари етиштирувчи субъектлар ва уруғчилик кластерлари ўртасида бошоқли дон уруғликлари етиштириш бўйича контрактация шартномалари тузиш.	Ҳар йили 1 февралга қадар Ҳар йили 1 сентябрга қадар

Вазирлар Маҳкамасининг
2019 йил 18 июндаги 512-сон қарорига
2-илова

Уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун танловларни ўтказиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом уруғчилик кластерлари ташкил этиш учун танловларни (кейинги ўринларда танлов деб аталади) ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

уруғчилик кластери – илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда давлат ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда уруғликлар тайёрлаш ва реализация қилиш учун ишлаб чиқариш корхоналари, таълим ва илмий-тадқиқот муассасалари билан бевосита ва узвий алоқаларга эга қишлоқ хўжалиги ташкилоти;

Марказ – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” Давлат унитар корхонаси;

инвестор – келишув тузган юридик ёки жисмоний шахс. Давлат ташкилотлари хусусий шерик сифатида иштирок этишлари, шунингдек, хусусий шерик тарафидан қатнашишлари мумкин эмас;

лойиҳа – уруғчилик кластерлари ташкил этиш соҳасида инвестицион ва инновацион чора-тадбирлар мажмуи.

3. Уруғчилик кластерлари қуйидаги тамойилларга асосан ташкил этилади:

ахборотнинг очиклиги ва эркинлиги, давлат сири ва қонун билан ҳимоя қилинадиган махфий маълумотлар сирасига қирадиган маълумотлар бундан мустасно;

камситилишга йўл қўймаслик, келишув томонларининг тенг ҳуқуқлилиги;

томонларнинг келишув бўйича мажбуриятларини виждонан бажариши;

томонлар ўртасида хатарлар ва мажбуриятларнинг адолатли тақсимланиши;

томонлар ўзаро муносабатларининг шартномавий асоси.

4. Уруғчилик кластерлари яратиш учун инвесторларни жалб қилиш қуйидаги мақсадлар учун амалга оширилади:

давлат ва халқаро стандартларга мувофиқ ҳолда, шунингдек, гидропоника ва аэропоника технологияларини қўллаган ҳолда химояланган тупроқда техник, донли, дон-дуккакли, сабзавот, полиз, мойли, озуқа ва бошқа экинлар уруғликларини ишлаб чиқариш, тайёрлаш ва реализация қилиш, шунингдек, экспорт қилиш;

уруғчилик кластерларида техник, донли, дон-дуккакли, сабзавот, полиз, мойли, озуқа ва бошқа экинлар бирламчи уруғчилигини, шунингдек, ўсимликлар биотехнологиясини ташкил этиш;

мавжуд маҳаллий ва хорижий навлар селекцияси коллекцияси асосида юқори ҳосилдорликка, сифатга эга, зарарли организм ва касалликларга чидамли, юқори қўшилган қийматга эга рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган қишлоқ хўжалиги экинлари нав ва дурагайларини ишлаб чиқариш тизимини яратиш;

ўз маблағи ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни, шунингдек, тижорат банклари кредитларини жалб этиш ҳисобига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва рақобатбардош уруғликларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” Давлат унитар корхонаси (кейинги ўринларда – Марказ деб аталади), илмий ва таълим муассасалари билан ҳамкорликда уруғчилик соҳасида, қишлоқ хўжалиги экинлари янги нав ва дурагайларини яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказишда амалий ёрдам кўрсатиш;

шартнома асосида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва таълим муассасарига уруғчилик соҳасида кадрлар малакасини оширишда амалий ёрдам кўрсатиш.

5. Уруғчилик кластерларини ташкил этишда инвесторни танлаш танлов асосида амалга оширилади.

6. Танлов ўтказиш бўйича ташкилотчи – Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (кейинги ўринларда Вазирлик деб аталади).

Вазирлик:

танлов комиссияси аъзолари чақирувини, уларга ишлаш хоналари, оргтехника, мажлис ўтказиш учун керакли материаллар билан таъминланишини ташкиллаштиради, шунингдек, танлов билан боғлиқ барча харажатларни қоплайди;

танлов комиссияси топшириғи асосида таклифномалар тарқатади ва ўзаро ёзишмаларни юритади;

иштирокчилардан танлов таклифларини қабул қилади, уларнинг ҳисобини юритади, танлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда хатжилд очилгушга қадар бутлигини, махфийлигини таъминлайди;

танлов комиссияси томонидан жалб этилган эксперт ва консултантлар фаолиятини мувофиқлаштиради, шунингдек, уларга ҳақ тўлаш харажатларини қоплайди.

7. Танлов комиссияси таркиби (кейинги ўринларда Комиссия деб аталади) Вазирлик томонидан шакллантирилади ва Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг буйруғи билан тасдиқланади.

Комиссия ишчи органи Марказ ҳисобланади.

8. Комиссия таркибига Марказ, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекцияси, “Ўзпахтасаноат” АЖ, “Ўздонмаҳсулот” АК, Давлат активларини бошқариш агентлиги, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари вакиллари киритилиши мумкин.

Комиссия аъзолари сони тоқ бўлиши ва тўққиз кишидан кам бўлмаслиги керак. Комиссияга Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири раислик қилади.

9. Комиссия қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) мустақил тарзда ўз иш регламентини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;

б) танлов ўтказиш тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган танлов муддатидан бир ойдан кечиктирмасдан танлов ҳужжатларини тақдим этган барча иштирокчиларни ёзма огоҳлантирган ҳолда, шунингдек, Низомнинг 20-бандида кўзда тутилган ахборот ресурсларида эълон қилган ҳолда танлов таклифларини тақдим этиш муддатларини узайтириш ёки танлов ўтказиш муддатларини ўзгартиш бўйича қарор қабул қилиш;

в) тушунарли бўлган, умумқабул қилинган белгилар ва номланишлардан фойдаланиб тузилган, иккиёқлама талкин этилмайдиган танлов ҳужжатларини тасдиқлаш;

г) хатжилд очилгандан уч иш кунидан ошмаган муддатда танлов таклифларини кўриб чиқиш ва танлов ғолибини аниқлаш муддатини белгилаш;

д) иштирокчиларни огоҳлантириш ва рад этиш сабабини кўрсатган ҳолда танлов ҳужжатларига ва танлов ўтказиш шартларига мувофиқ бўлмаган иштирокчилар таклифларини рад этиш;

е) танловни қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб эълон қилиш:

хабарномада кўрсатилган муддатда бирорта ҳам сўровнома келиб тушмаганда;

барча тақдим этилган танлов таклифларининг танлов ҳужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаганда;

мазкур Низом шартлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар шартларининг бузилиши, қасддан келишув ва танлов ўтказиш жараёнини бузувчи бошқа кўзда тутилмаган ҳолатлар аниқланганда.

10. Комиссия қуйидагилар учун жавобгардир:

ўз фаолиятини шахсий иштирок тартибида ташкил этилишини таъминлашга;

хатжилдлар очилишида ва танлов натижалари эълон қилинишида иштирокчилар ёки уларнинг ишончли вакиллари ва тегишли туман (шаҳар) ҳокимликлари вакилларининг иштироқи учун шароитни таъминлашга;

хатжилдларга қўйилган муҳрлар бутунлигини текширишни амалга оширишга;

танлов натижалари бўйича қарор қабул қилишда шартлар яқдиллигини ва софдилликни таъминлашга;

танлов таклифларини кўриб чиқишда махфийликни таъминлашга;

белгиланган кун ва соатда танлов таклифлари солинган биринчи хатжилдларни, иккинчиларини эса танлов ҳужжатлари таклифлари бўйича низолар вужудга келганда очишга;

танлов таклифлари солинган хатжилдлар очилишида танлов шартлари ва муолажаларига амал қилишни, танлов ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар борлигини текширишга.

11. Танлов комиссияси қарорлари комиссия йиғилишларида комиссия аъзоларининг учда икки қисмидан кам бўлмаган ҳолларда ҳақиқий ҳисобланади.

Қарорлар йиғилишда иштирок этган комиссия аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг келган ҳолларда комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Комиссия йиғилиши ўтказиладиган жой, сана ва вақти ҳақида комиссия аъзолари ўз вақтида хабардор қилиниши керак. Комиссия аъзолари томонидан сиртдан овоз бериш орқали қарор қабул қилиш, шунингдек, ўз ваколатларини бошқа шахсларга ўтказишга йўл қўйилмайди.

12. Танлов комиссияси қарорлари ёзма баённома тарзида расмийлаштирилади ва танлов иштирокчиларига уч иш куни мобайнида етказилади.

2-боб. Инвестор тарафидан лойиҳа ташаббусини илгари суриш тартиби

13. Уруғчилик кластери ташкил этишга ҳоҳиш билдирган юридик шахс (кейинги ўринларда – талабгор деб аталади) Вазирликка тегишли ариза тақдим этади.

14. Талабгор танловда иштирок этиш учун Вазирликка аризага илова қилган ҳолда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

юридик шахс рўйхатдан ўтганлиги тўғрисида гувоҳнома;

танловда иштирок этиш учун тақдим этилган ариза санасидан бир ойдан кўп бўлмаган, солиқлар, йиғимлар, бошқа мажбурий тўловлар ва бошқа молиявий санкциялар бўйича қарздорликлар мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотлар;

лойиҳа амалга оширилишининг молиявий имкониятини тасдиқловчи инвесторнинг соф активлари, лойиҳа қийматининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги бошқа ташкилотнинг кафилиги тўғрисида маълумотлар;

уруғчилик кластери ташкил этиш учун дастлабки техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Танловда иштирок этиш учун қайта ташкил этиш, ликвидация ёки мол-мулкига банд солинган банкротлик жараёнидаги талабгорлар қўйилмайди.

15. Лойиҳани амалга ошириш бўйича келиб тушган ариза танлов комиссияси ва Марказ билан ҳамкорликда беш иш куни мобайнида мазкур Низом шартларига мувофиқлиги бўйича кўриб чиқилади.

16. Мазкур Низомда кўрсатилган талаблари бузилган ҳолда тақдим этилган ҳужжатлар бир иш куни мобайнида талабгорга қайтарилади.

Тақдим этилган аризада йўл қўйилган камчиликларни бартараф этган ҳолда қонунчилик нормаларига мувофиқ Вазирликка қайта кўриб чиқиш учун такрорий тақдим этиш муддатлари аниқ кўрсатилган ҳолда ёзма равишда, шунингдек, электрон ахборот тизими воситасида талабгорга хабарнома юборилади.

Талабгор томонидан камчиликлар бартараф этиш ва ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиш муддати ёзма ёки электрон хабарнома қабул қилингандан бошлаб ўн кундан муддат кам бўлмаслиги керак.

Қайта тақдим этилган ҳужжатлар қайта тақдим этилган куни қабул қилинган деб ҳисобланади.

3-боб. Марказ тарафидан лойиҳа ташаббусини илгари суриш тартиби

17. Марказ эҳтиёжлардан келиб чиқиб, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларидан келиб тушган таклифлар ўрганиб чиқилиши натижасида лойиҳани амалга ошириш ташаббусини илгари суриши мумкин.

18. Танлов ўтказиш мазкур Низомнинг 4-бобида белгиланган тартибда ва Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

4-боб. Танлов ўтказиш тартиби

19. Вазирлик танлов бошланишидан ўн календар кун олдин мажбурий тартибда Вазирлик расмий сайтида, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситалари манбаларида, шу жумладан Интернет тармоғида танлов ўтказиш тўғрисида эълон жойлаштиради.

20. Танлов тўғрисидаги эълонда қуйидаги маълумотлари бўлиши талаб этилади:

Марказнинг номи, почта манзили, алоқа телефон рақамлари ва электрон почта манзили;

объектнинг номи, жойлашуви, миқдори ва тавсифи (характеристикаси);

лоyiҳани амалга ошириш шартлари;

талаб этиладиган инвестицион мажбуриятларнинг энг кам миқдори;

танлов ўтказиш санаси, вақти ва жойи;

танлов таклифлари қабул қилинадиган охириги муддат (йил, ой, кун ва соати кўрсатилган ҳолда).

21. Танлов ҳужжатлари йиғмажилди қуйидагиларни ўз ичига олади:

талабгорлар учун қўлланма;

танловнинг техник қисми;

танловнинг тижорат қисми.

Шунингдек, танлов ҳужжатларига танлов комиссияси томонидан тасдиқланадиган танлов голибини аниқлаш мезонлари ҳам илова қилинади. Танлов голибини аниқлаш мезонларида танловнинг техник ва тижорат қисмларига қўйиладиган баллар кўрсатилади, бунда танлов техник қисмига қўйиладиган баллар жами тўпланган баллнинг камида 70 фоизиини ташкил этиши керак.

22. Танлов талабгорлари учун қўлланма қуйидагиларни ўз ичига олади:

танлов ўтказиш қоидалари билан танишиш учун керак бўладиган Марказнинг почта манзили, алоқа телефони ва факс рақамлари, электрон почта манзили;

танловда иштирок этиш учун талаб этиладиган ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби;

танлов таклифларини расмийлаштиришга бўлган талаблар;

танлов таклифларини тақдим этиш жараёнига бўлган талаблар;

танлов таклифлари солинган хатжилдни очиш тартиби;

танлов таклифларини баҳолаш тартиби.

23. Танлов ҳужжатлари техник қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

уруғчилик кластери ташкил этиш шартлари ва мақсадлари:

танлов шартларини бажариш бўйича шартнома лойиҳаси;

уруғчилик кластери ташкил этиш учун ер майдонлари ажратиш бўйича материаллар;

танлов голибининг атроф муҳитни ҳимоя қилиш, экологик хавфсизлик талабларига, шунингдек, санитар ва ёнгин хавфсизлигн норма ва қоидаларига амал қилиш мажбуриятлари.

24. Танлов ҳужжатлари тижорат қисми уруғчилик кластери ташкил этиш бўйича киритиладиган инвестиция ҳажми таклифини ўз ичига олиши керак.

25. Талабгорлар эълон берилгандан сўнг танлов ҳужжатларини оладилар.

26. Танловда иштирок этиш учун талабгор ёки унинг вакили шахсан ёки почта орқали буюртма хат билан танлов эълонида ўрнатилган муддатларда Вазирликка икки нусхада қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда тақдим этади:

танлов ҳужжатларига қўйилган талабларга мувофиқ тузилган танлов таклифи;

лойиҳанинг талабгорнинг ўз маблағлари, шунингдек, кредит ресурслари ҳисобидан молиялаштирилиши тўғрисидаги маълумотлар;

лойиҳанинг амалга оширилиши молиявий имқониятини тасдиқловчи, танлов иштирокчисининг соф активлари, бошқа ташкилотнинг танлов иштирокчиси киритаётган инвестицияларнинг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги кафиллиги тўғрисидаги маълумотлар.

Танловда иштирок этиш учун қайта ташкил этиш, ликвидация ёки мол-мулкка банд солинган банкротлик жараёнидаги талабгорлар қўйилмайди. Қайта ташкил этиш, ликвидация ёки мол-мулкка банд солинган банкротлик жараёнидаги талабгорлар тўғрисидаги маълумотлар танлов комиссияси томонидан тегишли ташкилот ва давлат органларига сўровнома юбориш орқали тасдиқланади.

Танловда иштирок этиш учун берилган аризага илова қилинган барча ҳужжатлар муҳрланган (имзо билан тасдиқланган) хатжилдларда тақдим этилади.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгор томонидан имзо билан тасдиқланиши керак.

Танлов таклифлари амал қилиш муддати танлов ҳужжатларида белгиланади.

27. Танлов комиссияси томонидан белгиланган кун ва соатда танлов таклифлари солинган биринчи хатжилдлар очилади. Иккинчи хатжилдлар Вазирликда сақланади ва танлов таклифлари маъноси бўйича низолар вужудга келган тақдирда очилади.

Талабгорлар танлов таклифлари солинган хатжилдлар очилишида иштирок этишлари мумкин.

Танлов комиссияси томонидан танлов таклифлари солинган хатжилдлар очилишида танлов шартлари ва жараёнларига амал қилиш, танлов ҳужжатларида кўрсатилган ҳужжатлар мавжудлиги текширилади.

28. Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

танлов ҳужжатлари техник қисми бўйича талабгор таклифини баҳолаш;

назарда тутилаётган инвестициялар ҳажми бўйича талабгор таклифини баҳолаш;

ишлаб чиқариш режалаштиралаётган маҳсулот тури, ҳажми ва ассортименти ёки кўрсатиладиган хизматлар тури бўйича талабгор таклифини баҳолаш;

киритилаётган инвестициялар ҳажми бўйича талабгор таклифини баҳолаш;

лойиҳа талабгорнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштирилиши билан таъминланганлиги.

Танлов таклифларини баҳолаш учун зарурат юзасидан танлов комиссияси томонидан қуйидаги қўшимча ҳужжатлар талаб этилиши мумкин:

охирги йил учун (мавжуд бўлса) аудиторлик ташкилоти хулосаси (юрidik шахслар учун);

охирги икки йил учун (мавжуд бўлса) талабгор – юрidik шахснинг бухгалтерия баланси.

29. Танлов ғолибини аниқлаш хатжилдлар очилиш кунинда танлов комиссиясининг ёпиқ мажлисида ўтказилади.

Қарор умумий комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овоз бериши билан қабул қилинади. Овозлар тенг келганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Мажлисида комиссия аъзоларининг тўртдан уч қисмидан кам бўлмаган сони қатнашган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

30. Лойиҳани амалга оширишда энг мақбул деб топилган танлов таклифи берган иштирокчи танлов ғолиби деб тан олинади.

31. Танлов ғолибларини аниқлашда қуйидагилар асосий мезон ҳисобланади:

техник (пахта), дон, сабзавот, полиз ва бошқа экинлар уругини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган тўлақонли уруғчилик кластерини ташкил этиш кафолатларининг мавжудлиги;

таклиф этилган инвестицион лойиҳанинг амалга оширилишидан энг юқори ижобий самара;

лойиҳа амалга оширилишига кетадиган энг қисқа муддатлар;

лойиҳа амалга оширилишига киритиладиган ўз инвестицияларининг энг юқори ҳажмлари;

таклиф этилган лойиҳа амалга оширилишида энг кам хатар;

лойиҳа харажатларининг қопланишига энг кам муддат;

уруғлик материали тайёрлашнинг илғор агротехнологияларини, замонавий технологияларни тадбиқ қилиш нияти;

илмий-амалий фаолият учун шароит яратиш нияти.

32. Танлов голибларини аниқлашда, бошқа тенг шароитларда, устунлик куйидаги инвесторларга берилади:

инвестицион лойиҳа амалга оширилишига энг кўп ўз маблағларини киритаётганларга;

кўпроқ маҳсулот сотиш имкониятларини асословчи тасдиқланган хужжатлар тақдим этганларга;

қишлоқ хўжалиги ва уруғлик тайёрлашда 3 йилдан кам бўлмаган амалий тажрибага эга бўлганларга.

33. Танлов талабларига мувофиқ таклиф параметрлари тақдим этган, бироқ танлов хужжатларига мувофиқ танлов таклифи тақдим этган голиб параметрларидан пастроқ натижалари бўйича захирадаги голиб ҳам аниқланади.

34. Танлов танлов иштирокчиларидан икки ёки ундан ортиқ ариза келиб тушганда ўтказилади.

Танлов иштирокчиларидан фақат бир ариза келиб тушганда танлов комиссия томонидан таклиф кўриб чиқилади. Ариза танловнинг барча шартларига мувофиқ бўлганда ягона иштирокчини танлов голиби деб қарор қабул қилинади.

35. Танлов комиссияси танлов якунлари бўйича қарор қабул қилган кун Марказ томонидан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайтида танлов натижалари тўғрисида маълумот жойланштириш орқали танлов иштирокчиларини хабардор қилишга мажбурдир.

36. Қабул қилинган қарорга рози бўлмаган танлов иштирокчиси судга эътироз билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

5-боб. Якуний қоида

37. Мазкур Низом шартларини бузишда айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгардирлар.

Уруғчилик кластерларини ташкил этиш
учун танловларни ўтказиш тартиби
тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

Уруғчилик кластерларини ташкил этиш учун
танловларни ўтказиш
СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Чора-тадбирлар	Ижро мuddатлари
1-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Танлов эълон қилиш.	Заруратга кўра
2-босқич	Талабгор	Низом талабларига мувофиқ ариза ва унга илова қилинадиган хужжатларни (кейинги ўринларда Ариза деб аталади) Қишлоқ хўжалиги вазирлигига тақдим этиш.	Танлов эълон қилинган 10 календарь кунда
3-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Аризанинг низом талабларига мувофиқлигини текшириш, низом талабларига мувофиқ бўлмаганда аризани талабгорга қайтариш.	Бир календарь кунда
4-босқич	Танлов комиссияси	1. Иккитадан кам бўлмаган талабгордан ариза келиб тушганда, танлов ўтказиш, танлов натижасига кўра ғолибни аниқлаш ва қарор қабул қилиш. 2. Бир иштирокчидан ариза келиб тушганда аризани низом талаблари асосида кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш.	Етти календарь кунда Беш календарь кунда
5-босқич	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги расмий веб-сайтида қабул қилинган қарор тўғрисидаги ахборотни жойлаштириш орқали танлов иштирокчиларини хабардор қилиб бориш.	Қарор қабул қилинган кунда
6-босқич	Уруғчиликни ривожлантириш маркази, инвестор	Уруғчилик кластери ташкил этиш	Икки ой мобайнида

